

ЛОЙИҲА ТАЪЛИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Наримбетова Закия Ахмедовна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

ўқитувчиси

Абдиримова Интизор Камиловна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада лойиҳалаш фаолиятига таъриф бериши билан бирга лойиҳалаш методининг таълим сифатини оширишидаги бир қанча асосий ва ўзига хос белгилари кўрсатилган. Лойиҳалаш фаолиятининг муҳим белгилари хорижий олимлар фикрларига, илмий-тадқиқот ишларига таянган ҳолда очиб берилган. Ўқувчи шахсининг шаклланишида якуний холис ва аниқ хулоса ясашга ёрдам беришга қаратилган лойиҳа таълимнинг асосий хусусиятлари мисоллар ёрдамида акс эттирилган ва таълим самарадорлигини янада оширишида қўл келиши илмий хулосаланган.

Калим сўзлар: лойиҳа, таълим тизими, ўқувчи, инновацион технология, инновацион ёндашув, педагогик технология, лойиҳалаш фаолияти, педагогик таълим

CHARACTERISTIC AND SIGNIFICANCE OF PROJECT EDUCATION

Narimbetova Zakiya Akhmedovna

Lecturer at Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

Abdirimova Intizor Kamilovna,

Lecturer at Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

***Abstract:** The article describes project activities, as well as a number of key and specific features of the method in improving the quality of education. Important features of project activities are disclosed taking into account the views of foreign scientists, scientific research. The main features of project education, aimed at helping to make the final goal and draw clear conclusions in the formation of the student's personality, are illustrated by examples and, from a scientific point of view, conclude that this can further enhance the effectiveness of education.*

***Keywords:** project, education system, pupil, innovative technologies, innovative approach, pedagogical technologies, project activities, teacher education*

Кириш

Ижтимоий жараёнларнинг юксак динамикаси, улкан ахборот оқими ва кундалик ҳаётнинг технологиялашуви шароитида замонавий инсоннинг асосий белгиларидан бири – унинг билим, малака ва кўникмаларини амалиётда қўллаш олиш қобилиятидир. Ҳар қандай мамлакатнинг ривожини кўпинча ёш авлодлар қўлида бўлади. Бунинг учун ёшлар маънан етук ва билимли бўлиши керак. Уларда бу каби хислатларни шаклланишига бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – таълим – тарбия тизими ҳисобланади. Ёш авлоднинг таълим – тарбиясига эътибор қаратиш давлат ривожига муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳар бир соҳада тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, ўз навбатида улар билан тажриба алмашиб, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этмоқдамиз. Шунинг назарда тутган ҳолда таълим тизимида (умумтаълим, ўрта махсус, олий таълим) бир қатор ўзгаришлар ва ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, яъни умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди.

Потенциал иш берувчилар ва жамоатчиликнинг талабига мос равишда таълим тизими ўзининг мақсадли йуналтирилганлиги ва унинг асосий мезонларидан бири бўлган ўқувчилар лойиҳалаш фаолиятига эришиш устида иш олиб бориши лозим. Бугунги кунда бутун дунёда лойиҳавий таълимга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу соҳадаги илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, айнан лойиҳавий таълим ўқув, ташкилий-бошқарув, бунёдкорлик, изланувчанлик хусусиятларига эга бўлган ўқувчи шахсини шакллантириш муаммосига янгича ёндашиш имконини беради. Ушбу қобилиятларга эга мактаб битирувчилари эса, ўз навбатида, ҳаётга тез мослашувчан, ҳар қандай ўзгаришлар ва турли ҳолатларга кўникувчан, ҳар хил тоифадаги жамоаларда ишлашга лаёқатли бўлиб шаклланади.

Ўқувчиларнинг лойиҳавий фаолиятини мақсадли йуналтирилган ўқув-оммабоп фаолият сифатида кўриб, таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, асосий урғу бир-бирига мос услуб ва фаолият турларининг муштараклигига эришишга қаратилган, умумий натижа эса ахборот маҳсулотини яратишдан иборатдир. Ўқувчилар фаолиятини лойиҳалаш жараёнида мақсадга эришишда асосий метод бу лойиҳалаш методи саналади.

Анъанавий тарзда “лойиҳа” ишлаб чиқариш, технология билан боғлиқ атама ҳисобланади. Бироқ бошқа техник атамалар сингари бу сўз олдинига педагогик амалиёт жараёнида, кейинчалик назарий фаолиятда маълум бир педагогик маъно ва тушунчага эга атама сифатида қабул қилинди.

А.Михайловский қадимги юнон маданияти саҳифаларида бу тушунчанинг келиб чиқиш илдизларини таҳлил қилар экан, унинг “тўсиқ, савол, топшириқ” маъноларида қўлланилганлигини келтириб ўтади. Сўзларнинг ўзаро боғлиқлиги муқаррарлиги ҳақида тўхталар экан, у шундай таъкидлайди: ҳаракатланаётган инсоннинг олдидаги ҳар қандай тўсиқ уни бир зум тўхтаб туришга, фикр юритишга ва қарор қабул қилишга ундайди. Ҳаётда ҳам, инсон тафаккурида ҳам тўсиқлар,

мураккабликлар инсоннинг ички кучларини уйғотади, уларни намоёиш қилишга ундайди.[2]

1918 йилда Колумбия университети қошидаги педагогика коллежи ўқитувчиси Вильям Килпатрик лойиҳалаш методининг моҳиятига бағишлаб “Лойиҳалаш методи” номли мақолани чоп қилдирди. Муаллифнинг кейинги мақолаларида ушбу атама куйидагича талқин қилинади: “Лойиҳа” атамаси фаолиятнинг ҳар бир имкониятини, тажриба жараёнининг боғлиқлигини англантиши зарур. XX аср бошларигача бу методдан касб-хунар мактабларида фойдаланилган холос.

Кўпчилик татқиқодчилар урфга киргани учунгина таълим тизимига лойиҳалаш методини қайта татбиқ қилиш жараёни содир бўлаётганини уқтиришади. Бироқ ҳаётин амалиёт ва тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг талаби ва илмли инсон қадриятининг ўзгариши бу методни заруратга айлантормоқда. Бугунги кунда ҳар бир мактаб битирувчиси олдида рақобатларга бой жамиятда ўз ўрнини топишдек муаммо турган бир пайтда, изланувчанлик, ижодкорлик, қатъиятлилик, тезкорлик ва тажрибавийлик каби хислатларга эга бўлиш талаб қилинади. Бу хусусиятлар инсонда бирор бир лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида қатнашиш орқалигина шаклланиши мумкин.

Лойиҳалаш фаолияти ўқувчиларни маълум бир таълим олиш даврида (ўқув йили ёки ярим йиллик) билим олиш ва касбга йўналтириш ишларини ташкил этишнинг энг мақбул усулидир.[3] Лойиҳа методининг моҳияти бу ҳолатда ўқувчиларни мустақил ишлашга йўналтириш орқали билим олишга қизиқишларини шакллантиришга, уларнинг олдида аниқ мақсад ва муаммоларни қўйиш ва уларнинг ечимини топиш орқали янги билим ва кўникмаларга эга бўлишдан иборатдир.

Е.С.Полат, М.Ю.Бухарина, М.В.Моисеева, А.Е.Петровлар “Таълим тизимидаги янги педагогик ва ахборот технологиялари” китобида лойиҳа методига тўлароқ таъриф келтиришган. Уларнинг фикрича лойиҳа методи

тушунчаси остида аниқ ечимга эга бўлган муаммони кенг кўламда таҳлил этишининг дидактик мақсади ётади.[4]

В.В.Гузеева эса лойиҳа методини бугунги кунда мактаб битирувчисининг ўз билимларини оширган ҳолда ижтимоий муҳитга фаол аралашувини таъминлайдиган, педагогик технологиялар қаторига киритиш мумкинлигини таъкидлайди.[5]

Педагогик психология нуқтаи назаридан лойиҳа методининг таърифини Н.А.Барыкова қуйидагича келтиради: “Лойиҳа методи таълимнинг шахсга йуналтирилган усули булиб, ўқувчиларнинг мусатқил билим олиш орқали муаммоларни ечиш ва амалий хулосага келишига ёрдам беради”.[6]

Таълим лойиҳаларини таснифлаш масалалари Е.С.Полатнинг илмий изланишларида изчил ўрганилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Муаллиф лойиҳалаш методининг бир қанча асосий ва ўзига хос белгиларига урғу беради:

- фаолият турига қараб изланишга, таҳлил килишга, ижодкорликка, ролли ўйинларга, амалий машғулотларга асосланган лойиҳаларни кўрсатиш мумкин;

-мазмунига кўра-монолойиҳалар (бир фан доирасидаги),фанлараро лойиҳалар;

- ташкилий хусусиятига кўра- бевосита ёки яширин;

- алоқалар хусусиятига кўра-мактаб, синф, шаҳар, минтақа, мамлакат, халқаро миқёсдаги лойиҳалар тарзида характерланади.

Лойиҳа методидан фойдаланган ҳолда турли фаолият турларига тўхталиб ўтамиз.

Е.С.Полат лойиҳа методи ёрдамида ишни ташкил қилишнинг маъруза, семинар машғулоти, лаборатория ва амалий машғулотлар, лойиҳани ҳимоялаш, курс иши лойиҳалари каби шакллари алоҳида ажратиб кўрсатади. Ўқитиш тизимини фаоллаштириш мақсадида педагогика

амалиётида жамоавий лойиҳа методидан фойдаланиш мумкин. Ушбу масалалар Ч.Майерс ва Т.В.Жонснинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

И.Бем ва Й.Шнайдерларнинг фикрича натижага эришиш жараёнида, қайси фан ёки соҳада бўлишидан қатъий назар ўқувчи мустақил фаолият юритиши орқали бирор “маҳсулот” га эга бўлса ва унинг меҳнати натижаларидан бошқалар ҳам фойдалана олсалар мақсадга эришган бўламиз. Бу ерда “маҳсулот” деганда ўқувчида ўқиш жараёнида ҳосил бўладиган барча кўникмалар назарда тутилади. Билим, малака, ғоялар, амалий хулосалар, шу билан бирга маънавий қадриятлар, инсоний ҳислатларни ҳам шу гуруҳга киритишимиз мумкин.[7]

А.В.Хуторский таъкидлашича ўқувчининг билимини ўсиши уни ички ва ташқи ўқиш фаолияти натижасида юз беради. Ички омилларга ўқувчининг ўз устида ишлаши, зарур билимларни эгаллашга интилиши жараёни киритилса, ташқи омилларга ўқувчининг лойиҳа жараёнида иштироқ этиши ва шу орқали эгаллаган билимлари назарда тутилади.[8]

Қуйидаги жадвалда ўқувчининг лойиҳа жараёнида қатнашиши натижасида эга буладиган хусусиятлари ва ҳислатлари келтириб ўтилган.

Лойиҳа таълимнинг асосий хусусиятлари

<i>Хусусиятлари</i>	<i>Асосий белгилари</i>
<i>Ўрганиши</i>	<i>Таърибадан хулоса чиқаришига ўрганиши;</i> <i>Аниқ муаммони ҳал этишининг йўллари топишини ўрганиши;</i> <i>Ўз билимларини умумлаштиришини ўрганиши</i> <i>Ўз-ўзини ўқитиши</i> <i>Таълим олишининг шахсий усул ва воситаларига эга бўлиши</i>
<i>Излаши</i>	<i>Маълумотлар базасидан фойдаланиши;</i> <i>Атрофдагилар фикрини ўрганиши;</i> <i>Мутахассислардан маслаҳат олиши;</i> <i>Маълумот йиғиши</i> <i>Хужжатлар билан ишлашни ўрганиши ва уларни таснифлаши</i>

<p><i>Ўйлаш</i></p>	<p><i>Ахборотга танқидий ёндошиш;</i> <i>Содир бўлган ва бўлаётган воқеаларни бир-бирига боғлаш</i> <i>Қийинчиликлар ва ўзига нисбатан ишончсизликни енгиб ўтиш</i> <i>Мунозараларда ўз фикрини баён қила олиш</i> <i>Сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг долзарблигига баҳо бериш</i> <i>инсон саломатлиги ва атроф муҳит билан боғлиқ ҳар хил</i> <i>иллатлар, одатларга баҳо бера олиш</i></p>
<p><i>Ҳамкорлик қилиш</i></p>	<p><i>Жамоада ишлаш ва мулоқот қила олиш</i> <i>Қарорлар қабул қилиш</i> <i>Келишмовчиликларни бартараф қилиш, муросага келиш</i> <i>Шартномаларни ишлаб чиқиш ва бажариш</i> <i>Интеллектуал мулкни ҳимоя қила олиш</i></p>
<p><i>Ишга киришиш</i></p>	<p><i>Лойиҳага қўшилиш</i> <i>Зарур шароитда масъулиятни ўз зиммасига олиш ва лидерлик</i> <i>позициясини эгаллаш</i> <i>Жамоага ўз хиссасини қўйиш</i> <i>Ҳамжиҳатликни кўрсата олиш</i> <i>Ишни ташкил қила олиш</i> <i>Ҳисоблаш асбобларидан фойдалана олиш</i> <i>Маҳсулот ва технологияларни тақдимотини ўтказиш</i></p>
<p><i>Мослашиш</i></p>	<p><i>Ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдалана</i> <i>олиш</i> <i>Тезкор ўзгаришлар олдида мослашувчанлик қобилиятларини</i> <i>кўрсата олиш</i> <i>Машаққатлар олдида мустаҳкам иродали эканини кўрсата</i> <i>олиш</i> <i>Янги қарорларни топа олиш.</i></p>

Ўқувчида лойиҳа таълимнинг бу каби хусусиятларини шакллантиришда билим, тафаккур билан биргаликда қобилият ҳам катта ўрин тутди. Бу хислатлар муштараклигида кўзланган мақсадга эришиш осон кечади. Ж. Равен ўзининг тадқиқот ва изланишларида мактабнинг асосий вазифаси- ўқувчиларнинг қобилияти ва билимдонлигини юзага

чиқариш ва ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатлигини таъкидлайди.

Ўқувчи қобилиятли бўлиши учун мукамал билим берилиши керак. Ўқитиш орқали эришилган билим, тажриба, кадриятлар, қизиқишлар йиғиндиси ўқувчининг қобилиятли, иқтидорли бўлиб, замон талабларига жавоб бера оладиган шахс бўлиб шаклланишида намоён бўлади. Комусларда “қобилият”(“компетенция”) (лотинчада-мос келмоқ, иқтидор, қобилият) тушунчаси икки маънони англатиши кўрсатилади:

- ташқи омилларнинг шахснинг табиатига таъсири натижасида шаклланадиган хусусият маъносида;

- шахснинг маълум бир соҳадаги билим ва тажрибалари йиғиндиси маъносида.

Демак қобилият- маълум соҳада самарали қарорлар қабул қилиш имконини берувчи билимлар йиғиндиси бўлиб, бирор фаолият билан шуғулланишнинг энг мақбул кўриниши ҳисобланади. Иқтидорли, қобилиятли ўқувчи танқидий мушоҳада юрита олиш хусусиятига эга бўлиш билан бир қаторда, фикрлар ичидан энг оптимал ва аниғини танлай олиш кўникмасини эгаллаган бўлади.

Хулоса

Келтирилган фикрларни талқин қиладиган бўлсак, ўқувчининг қобилияти лойиҳавий таълимнинг асосий хусусиятларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Бир қарашда лойиҳа методидан кўзланган мақсад ишнинг натижаси, якуний хулосага эришишдек туюлади. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, ўқувчи эгаллаган билим ва кўникмалари орқали ўз устида ишлаши, маълумот йиғиши, масаланинг ечимини мустақил тарзда излаши ва билимларини амалда қўллай олиш хусусиятларнинг шаклланиши билан аҳамиятли бўлиб, педагогик самарадорликнинг яққол ифодаси десак бўлади.

Юртимизда ҳар бир соҳага янгича инновацион ёндашувлар татбиқ қилинаётган бир пайтда юқоридаги қарашлар, тушунчалар давлатимиз тараққиёти йўлида ўз ўрнига эга.

Сўнгги йилларда бир қанча шаҳар ва давлатлардаги таълим муассасаларининг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга келажак маҳсулотини лойиҳалаш, веб-сайтлар яратиш борасидаги ҳамкорликдаги лойиҳа фаолияти катта самара бераётгани кўзга ташланмоқда. Таълимда лойиҳалаш фаолиятининг самарадорлигини тўлақонли англаган ҳолда юртимиздаги умумтаълим мактабларида ҳам бу методдан фойдаланиш аҳамиятга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2016.

2. Щербо И. Второе пришествие метода проектов // Директор школы. 2003. №3. – С. 25-32.

3. Метод проектов. Серия «Современные технологии университетского образования». Выпуск 2 / Белорусский государственный университет. Центр проблем развития образования. Республиканский институт высшей школы БГУ. Мн.: РИВШБГУ.

4. Полат Е.И. Метод проектов [Электронный ресурс]. Режим доступа: [www. bgpu. ru/intel/representation/go13 04 0205.ppt](http://www.bgpu.ru/intel/representation/go13_04_0205.ppt). Загл. С экрана.

5. Перов В.И. Интеграция предприятий и формирование межотраслевых региональных кластеров // Региональная экономика: теория и практика. 2008. №17.

6. Психологический словарь / под ред.В.П.Зинченко, Б.Г.Мещерякова. М.: Педагогика-Пресс, 1997. 440с.

7. Хуторской А.В.Современная дидактика. СПб:Питер,2001.534с.

8. BlankW.E. Handbook for developing Competency: Based Training Programs. N.J.: Prentice Hall, 1982. 112p.

9. Бем И.,Шнейдер Й.Продуктивное обучение:слагаемые системы// Школьные технологии.1999.№4.

10. Гузеева В.В.«Методпроектов»как частный случай интегральной Технологии обучения//Директор школы.1995.№6.

11. Narimbetova Z. A. The Study Of The Elements Of Fractal Geometry As A Means Of Integrating Knowledge In Mathematics And Computer Science In The Educational Process Of A Secondary School Students. International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 04, April 2020

12.Наримбетова З.А. Использование интерактивные методы обучения в учебном процессе. электронное научно-практическоепериодическое издание

13 Наримбетова З.А.. Н.Сытина Проблемы детей, связанных с социальной адаптацией в современном обществе . "Экономика и социум" №3(83) 2021 www.iupr.ru